Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 229 (21.095) 1991 йил 27 ноябрь, чоршанба

Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасида 70х30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлашган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

1) доимий суратда;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг аппарати биносида;
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биносида;
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ҳукумати биносида;
Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Советлари биносида;
Ўзбекистон Республикаси доимий ваколатхоналари биносида;

2) халқ депутатлари Советларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда — бутун сессия давомида;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек турар жой биноларида;

4) Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, Республика халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови кунларида ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган биноларда ва уйларда;

5) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида — дипломатия протоколининг халқаро қонун қоидаларига мувофиқ;

6) чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — Миллий гвардия қўмондони, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

7) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

8) республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

9) спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

6-модда. Ушбу Қонуннинг 5-моддаси 3-бандида кўзда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйилади, 5-модданинг 4-бандида кўзда тутилган ҳолларда эса овоз беришни ёки референдумни ўтказиш даврида кўтариб қўйилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи кўтарилса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари кўтарилганида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи алоҳида, қолганлари эса ўзбек альфавити бўйича кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши керак.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб қўйилган Давлат байроғининг матоси ердан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

9-модда. Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг 1/20 қисмига тенг бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида осилиб туради.

Байроқ мотам муносабати билан флагштокда кўтарилган тақдирда у флагшток узунлигининг 1/3 бўлагича тушириб қўйилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва унинг тасвири катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирга аниқ мос бўлиши керак.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ турар жой биноларида кўтарилган вақтда эса — уларнинг эгалари ёки уйлардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

12-модда. Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналарига юклатилади.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ
/Схематик тасвири/



Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ 107-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 107-моддаси иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳалари тақдим этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳам эга».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1991 йил 20 ноябрь.

ТУРКИЯ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

● **ИСТАНБУЛ, 25 ноябрь. (ТАСС мухбири Александр Челишев).** Туркия ташқи сиёсий фаолиятида декабрь Ўрта Осиё жумҳуриятлари ойи бўлиб қолади. Декабрда Туркманистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Туркияга расмий ташриф буюрадилар.

Анча илгари ўтказилиши мўлжалланган бу ташрифлар Туркияда Сулаймон Демирел бошчилигида янги ҳукумат тузилиши муносабати билан декабрь ойига кўчирилган эди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг маълумотларига таянган «Ҳурриёт» рўзномаси 2 декабрь куни Туркманистон Президенти Ниёзов, 14 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Каримов Анқарага келиши кутилаётганини хабар қилди, Қирғизистон Президенти Акаевнинг қачон келиши эса ҳозирча номаълум.

Мазкур ташрифларнинг Туркиянинг Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан алоқаларини ривожлантириш учун муҳимлигини таъкидлар экан, рўзнома олий даражадаги бўлажак учрашувлар Туркия ташқи сиёсий йўлининг янгича ёндашувлари асосида ўтажагини уқтиради. Уни С. Демирел ҳукумати аввалги ҳукумат Озарбайжон мустақиллигини тан олганлиги асосида ишлаб чиқиши лозим.

Анқара Иттифоққа нисбатан ўзининг аввалги сиёсатига, яъни марказ билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишга амал қилиши ёки жумҳуриятлар билан бир томонлама муносабатлар йўлидан боришини вақт кўрсатади.

ҚАРШИ—НОН ШАҲРИ

● Эндиликда Қарши темир йўл вокзали ва колхоз бозори яқинида узунлиги ярим метр келадиган чиройли француз батонларини кўтариб кетаётган кишиларни ҳар куни кўриш мумкин. Бундай нонлар «Каршистрой» мутахассислари бунёд этган «Иссиқ нон» дўконида ёпилиб, харидорларга сотилмоқда.

«Жуда ширин нон, — дейишмоқда харидорлар. — Афтидан ускуналар ҳам чет элники бўлса керак». Ҳақиқатдан ҳам шундай. Печлар, ун қорадиган қурилмалар ва бошқа механизмлар Германиянинг «Винклер» фирмасида тайёрланган. Улар бир сменада уч тонна нонбулка маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Уни қуриш учун шаҳар 2,3 миллион сўм сарфлади.

Лекин ачинишаётгани йўқ — чунки шаҳарликларни нон билан таъмилаш анча яхшиланди. Дарвоқе, Қаршидаги аҳоли зич жойлашган мавзеларнинг бирида қарийб бир йилдан бери худди шундай дўкон-новвойхона ишлаб турибди. Яқинда шаҳарнинг эски қисмида ҳам учинчи дўкон пайдо бўлади.

(ЎзТАГ мухбири).

● *Мустақиллик йўли— истиқлол йўли*

АСОСИЙ ИШ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Д. ЕДГОРОВ,
халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг раиси, СССР халқ депутати.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши жамиятимиздаги демократик ўзгаришларнинг энг катта ғалабаси бўлди. Бироқ бу ғалабанинг ширин меваларини татиб кўриш учун ҳали ниҳоятда сермашаққат даврни бошимиздан кечиришга тўғри келади. Зеро сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақилликсиз саробга айланади. Иқтисодий мустақилликни эса бир кунда эълон қилиб бўлмайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номи остида кейинги ўн йилликларда шаклланган тоталитар тузум республикамизни кўпгина иқтисодий имкониятлардан маҳрум қилди. Ўзбекистон майиб-мажруҳ ғўдак сингари 70 йил бир ёқлама ривожланди, мамлакатнинг хом ашё етиштирувчи минтақаси бўлиб қоларди. Энди бу иқтисодий қусурларни тугатиш бизнинг авлод зиммасида.

Бухоролик меҳнаткашлар буни чуқур англаб, истиқлол масъулиятини ҳис этмоқдалар. Кейинги бир неча ой мобайнида мамлакатда содир бўлган сиёсий воқеалар, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши, парламент типидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкил топгани уларнинг мафкуравий онгида инқилобий ўзгаришлар ясади. Улар бутун тадбиркорлик куч-ғайратларини жонажон республиканинг иқтисодий мустақиллигига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга қаратмоқдалар.

Бухоро воҳаси эса бу соҳада ғоят бой имкониятларга эга. Унинг куч-қудратини газ ва нефть, кимё, энергетика, қурилиш, конметаллургия ва енгил саноат сингари муҳим тармоқлар белгилайди. Қизилқум бағрида яшириниб ётган бойликлар иқтисодий мустақиллик сари олға силжиш учун яхши пойдевордир. Айниқса вилоятимиз ҳудудидаги олтин ва бошқа камёб маъданлар иқтисодиётни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қиладиган чинакам хазинадир.

Ҳозиргача Қизилқумдаги конлардан қазиб олинаётган бундай қимматбаҳо металлар ҳисобини мамлакат Атом энергетикаси саноати вазирлиги ўз қўлига олиб, бу масалага маҳаллий маъмурлар у ёқда турсин, ҳатто республика раҳбариятини ҳам яқин йўлатмас эди. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингач бундай аҳволга чек қўйилди. Республика раҳбарияти бу муҳим ишда ташаббусни ўз қўлига олди. Навоий кон-металлургия комбинати ва қурилиш бошқармаси, «Юкпроммонтаж» трести 79-қурилиш-монтаж бошқармаси, Ўрта Осиё саноат технологияси илмий-текшириш институти ва яна бир қатор муассасалар ўзаро уюшиб «Қизилқумредметзолото» давлат концернини ташкил этишди. Янги саноат уюшмаси олтин ва бошқа камёб металларни қазиб олиш, тозалаш ва ундан жумҳурият валюта бойлигини белгилайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш, мавжуд қувватларни ошириш, янги геология-қидирув ишларини ўз қўлига олиб, бу тўғрида бевосита Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига ҳисоб беради. Шундай қилиб Бухоронинг олтин бойликларини беҳисоб санаб, уни халқимизга ёт манфаатларга сарфлашга чек қўйилди.

Келгусида камёб металларни қазиб чиқариш ҳажмини кўпайтириш юзасидан амалий тадбирлар кўриляпти. Кўкпатас янги олтин конининг очилиши муносабати билан Учқудуқ шаҳрида учинчи гидрометаллургия заводи қурилиши давом этяпти. Сирасини айтганда уни қуриш бўйича ишларнинг тенг ярми ўринлатиб қўйилган. Космоначи, «Высоковольтная», Оқжетпес конлари асосида кумуш ишлаб чиқариш корхонаси қуришимиз мумкин. Бухоро тупроғи шунингдек турли фосфоритлар, вольфрам, мармар ва бошқа камёб ҳом ашёларнинг йирик манбаларига ҳам эга.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган кундан бошлаб амалга киритилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, аввалги Давлат байроғидан у Ўзбекистон Республикасининг янги Давлат байроғи билан алмаштирилгунга қадар икки ой давомида фойдаланиш мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига:

1991 йил 1 декабргача Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш топширилсин.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1974 йил 27 сентябрь Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1974 йил, №27, 323-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1978 йил 29 июнь Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 19, 323-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1981 йил 30 июль Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 22, 445-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1981 йил 27 ноябрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 33, 647-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1984 йил 11 сентябрь Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 26, 382-модда);

1984 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 34, 485-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1984 йил 11 сентябрь Фармонини тасдиқлашга доир қисми.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИЎЛДОШЕВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

ҲАМЖИҲАТЛИК— ИШОНЧЛИ КУЧ

Қирғизистондан хат

Мустақил Ўзбекистон жумҳуриятининг биринчи Президенти ким бўлиши биз, Ўзбекистон чегарасидан ташқарида яшовчи ўзбеклар учун ҳам ғоят муҳимдир. Чунки қўшни жумҳуриятларда азалдан истиқомат қилувчи ўзбекларни, сиз ўзбекистонликлар билан қариндош-уруғчилик ришталаригина эмас, иқтисодий, маданий, миллий қадриятларимиз бирлиги, бу қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш эзгу нияти ҳам бизни бирлаштириб турибди. Буни амалга оширишда жумҳурият Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари катта. Унинг қатъий принципда тура билиши, жумҳурият чегарасидан ташқарида яшовчи ўзбеклар тақдири ҳақида ҳам доимо қайғуриши, айниқса ўтган йилги Ўш фожиаси вақтида ёрқин намоён бўлди.

Ушликлар учун мураккаб кунларда Қирғизистон Президенти А. Акаев билан бирга И. Каримов Ўшга келдилар. Жуда кўп муаммоларни бирга ҳал қилишга келишиб олдилар. Бу учрашув Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар билан қирғиз аҳолиси ўртасидаги азалий ҳамжиҳатликни қайта тиклашга ижобий таъсир қилди. Биз ушликлар Ислом Абдуғаниевичнинг бу соҳадаги хизматларига юксак баҳо берамиз.

Ўзбекистон ҳудудидаги ўзгаришлардан хабардормиз. Жумҳуриятни сиёсийгина эмас, иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, эл бошига тушган қийинчиликлар, тақчиллик азобидан халос қилиш хусусида И. Каримов бошлиқ Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган режали ишлар тақсинга сазовордир. Ҳозирги таҳликали кунларда аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зиёлилар катта гуруҳининг маошларини ошириш, деҳқонларга ер бериш тўғрисидаги харакатлар юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон жумҳуриятида демократик кучлар юксалаётган бир шароитда И. Каримов Республика Президентлигига энг муносиб номзоддир. Жумҳуриятни қийинчиликлардан сиёсий курашда тобланган, иқтисодни чуқур билувчи, марказнинг тазйиқига бардош бераоладиган, бошқа жумҳуриятлар раҳбарлари билан тенг баҳслашишга қодир кишигина олиб чиқади. Бу фазилатлар Ислом Каримовда мужассамланганлигига имонимиз комил. Шу туфайли Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг И. Каримовни жумҳурият президентлигига номзод қилиб кўрсатганлиги биз ушликларнинг айни муддаосидир.

Азиз қардошлар! 29 декабрда ўтадиган Президент сайловида Ўзбекистон Президентлигига И. Каримовни сайлаб донишмандлик, синчковлик, халқ тақдирига оқилона ёндашиш намуналарини яна бир бор кўрсатасизлар, деган умиддамиз.

О. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ушдаги ўзбек миллий-маданий марказининг президенти.

Ҳ. ЭШМАТОВ, М. МИРЗАРАҲИМОВ, Н. БАҲРОМОВ, О. ОБИДОВ, Д. СОБИРОВ, С. МАТКАРИМОВ, Б. ЖУРАЕВ, Ш. АҲМЕДОВ, Х. ҲАМДАМОВ, М. ЖУРАЕВ, М. ФАТТОҲОВ, Б. ФАТТОҲОВ ВА А. МУЙДИНЖОНОВ,
миллий-маданий марказ фаолларн.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ЯКДИЛЛИК

Андижон давлат муаллимлар олийгоҳида 25 ноябрь куни жумҳурият Президентлигига номзод кўрсатишга бағишланган кўпмингкишилик йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан олийгоҳ ректори, Ўзбекистон Республика Фанлар академияси мухбир аъзоси А. Қосимов Ислом Каримовнинг фаолиятидаги ижобий фазилатлари тўғрисида гапирди ва республика Президентлигига унинг номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шунингдек, ўқитувчилардан И. Асқаров, Ғ. Абдуллаев, С. Воҳидова, талабалардан З. Турдиева ва бошқалар Ислом Каримов номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Н. УЛУҒЖОНОВ,
Андижон давлат муаллимлар олийгоҳи ўқитувчиси.

ДАЪВАТ

Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов республикамиз меҳнаткашларини бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан олиб чиқиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда давлат ва жамоат хўжаликлари аъзоларининг, ўқитувчи, шифокор ва ҳамшираларнинг, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлар, кам иш ҳақи оладиган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш тадбирларини кўряпти.

Менга унинг очиқ кўнгиллилиги, кўнглидаги бор гапларни рўй-рост айтиши ёқади. У ўзбек халқининг миллий қадриятларини тиклашга алоҳида эътибор бераётир.

Оила аъзоларим билан бирга Ўзбекистон Президентлигига Ислом Каримов номзодини якдиллик билан маъқуллайман. Юртдошларимни ҳам унинг номзодини қувватлашга даъват этаман.

Жўлмирза ОИМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

ХАЛҚНИ ЎЙЛАБ

Республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон президентлигига И. А. Каримов номзоди кўрсатилганлигини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Ҳозир жойларда ўтаётган митинг ва йиғилишларда мазкур қарор қўллаб-қувватланаётганлиги ҳақидаги телеграммалар ва хабарлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ва рўзномамизга кўплаб келиб турибди. Шаҳрисабздан келган телеграммалардан қуйида айримларини муштарийларимиз эътиборига ҳавола этамиз.

— Меҳнат жамоамиз Ўзбекистон Президентлигига ўртоқ И. А. Каримовнинг номзоди кўрсатилганлигидан бениҳоя ҳурсанд бўлди, дейди ўз телеграммасида Шаҳрисабз ремонт ишлаб чиқариш корхонаси директори И. Раҳматов. —Зеро, бу инсон Республикамиз мустақиллиги йўлида ва халқимиз фаровонлигини яхшилаш соҳасида талайгина ишларни амалга оширмоқда. Бу халқ ўртасида унинг обрўсини оширмоқда. Халқ манфаатлари йўлидаги барча ишларида И. А. Каримовга саломатлик, куч-ғайрат тилаймиз.

— Шаҳрисабзликлар ўртоқ И. А. Каримовни жуда яхши биладилар. Зеро у Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган кезларида вилоят халқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, — деб таъкидланади ХДП Шаҳрисабз район кенгаши телеграммасида. — Шу боис Қашқадарёда амалга оширилган катта ишлар И. А. Каримовнинг номи билан боғлиқ. Халқимиз И. А. Каримовнинг сўзи ва иши бир эканлигини яхши билади. Шу боис биз унинг номзодини қизғин қўллаб-қувватлаймиз ва муносиб номзод деб ҳисоблаймиз.

* * *

● **ҚАМАШИ. Телефон орқали Карл Маркс номли давлат хўжалиги директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Раҳматулла ОМОНОВ хабар қилади:**

— Кеча хўжалигимизда 2000 кишилик митинг бўлиб ўтди. Жамоамиз вакиллари сўзга чиқишиб, Ислом Каримовнинг фаолиятини қизғин мақтадилар. Республика президентлигига номзод кўрсатилишига бағишланган бу митингда жамоамиз бир овоздан Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номзодини қўллаб-қувватлади ва мақтади. Унга республикамиз мустақиллиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларида омад, ўзига эса сиҳат-саломатлик тилади.

УНИНГ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ

Тошкент ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилганлигидан бениҳоя ҳурсанд бўлди, дейди ўз телеграммасида Шаҳрисабз ремонт ишлаб чиқариш корхонаси директори И. Раҳматов. —Зеро, бу инсон Республикамиз мустақиллиги йўлида ва халқимиз фаровонлигини яхшилаш соҳасида талайгина ишларни амалга оширмоқда. Бу халқ ўртасида унинг обрўсини оширмоқда. Халқ манфаатлари йўлидаги барча ишларида И. А. Каримовга саломатлик, куч-ғайрат тилаймиз.

— Шаҳрисабзликлар ўрнатилаяпти, деди пудратчи бригада бошлиғи Ҳ. Азимов. — Қисқа вақт ичида қанчадан-қанча колхозчиларга томорқа берилганини айтмайсизми.

Хўжаликдаги тўртинчи мактаб директори Ж. Нуриддинов ўқитувчилар кўкрагига шамол теккани, уларнинг ойлиги оширилгани, ўқувчилар бепул нонушта қилаётгани ҳақида ҳаяжонланиб гапирди.

Шунингдек, сут-товар фермаси бош зоотехниги Т. Шокиров, колхозчи С. Искандаров ўртоқлар ҳам ўз дил сўзларини айтишди.

Республикамизда юз бераётган барча ижобий ишлар Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Шунинг учун колхозчилар якдиллик билан унинг номзодини қўллаб-қувватладилар.

Ю. ЗИЕДОВ.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Куни кеча пойтахтимиздаги Н. А. Семашко номли саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш илмгоҳида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланди.

— Республикамизда амалга оширилаётган барча ишларда Президентимиз И. А. Каримовнинг ҳиссаси беқиёсдир, — деди илмгоҳ директори, Иттифоқ тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор К. Йўлдошев. — Мен Президентимизнинг кейинги йиллардаги иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, республика мустақиллигини мустаҳкамлашдаги қатъиятини алоҳида таъкидлагим келади. Шунинг учун ҳам бўлажак сайловда И. А. Каримов учун якдиллик билан овоз беришга чақираман.

Илмгоҳ ходимлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач У. Шоғуломов, бош шифокор К. Акрамов, бош ҳамшира С. Мўминова, профессор Р. Пўлатов, шифокорлардан А. Муҳамедов, Ҳ. Раҳматуллаев, В. Калякина, Ш. Раҳимов Ж. Қосимов ва бошқалар республика Президентининг илм-фан, тиббиёт соҳасида қилаётган ғамхўрлиги хусусида тўхталдилар ва Президент сайловида ҳаммани И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

П. МИРЗАЕВ.

• Мустақиллик йўли—истиқлол йўли

(Давоми. Боши биринчи бетда).

АСОСИЙ ИШ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Яқинда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида меҳнаткашлар билан ўтказган учрашув ва мулоқотларда мана шунга алоқадор муаммоларни тез ҳал қилиш, мудофаа саноатда конверсияни жадаллаштириш масалалари атрофлича муҳокама этилиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Қуролсизланиш жараёнида Бухоро ҳудудидаги корхоналарда бўшаётган ишлаб чиқариш қувватларини иложи борича тезроқ халқ манфаатига сафарбар этмоқ зарур.

Шу мақсадда Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, электр — кимё заводи ва яна бир қатор йирик корхоналар ўзаро ҳамкорликда яратган «Агама» қўшма корхонаси юқори сифатли кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашяпти. Навоийлик кимёгарлар Франциянинг «Кленкер» фирмаси билан йигирув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун замонавий технология ускуналари етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишди.

Шунингдек, Қизилқум минтақасидаги корхоналарда сутчилик саноати учун зарур ускуналар, маиший буюмлар ишлаб чиқаришга киришилди. Қурилишбоп мармар ишлаб чиқариш цехи барпо этиляпти. Мурунтов конида тоғ жинсини қайта ишлаш ҳажмини анча оширадиган технология жорий этилмоқда. Зарафшонда заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўриляпти. Бу соҳада Америка фирмаси билан қўшма корхона ташкил қилиш ҳақида шартнома тузилди.

Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида ўз касбининг чинакам усталари бўлган турли миллат вакиллари яшайдилар. Байналмилал республикамиз уларнинг тажрибаси, касб малакасидан самарали фойдаланиши, уларга зарур меҳнат ва турмуш шароитлари яратмоғи лозим.

Бухоронинг бошқа минтақаларида ҳам иқтисодиётни муваффақиятли равнақ топтириш учун яхши моддий асослар вужудга келтирилган. Шундай корхоналардан бири вилоят марказидаги ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Республика енгил саноатининг бу кенжа корхонаси меҳнат жамоаси кейинги йилларда илғорлар сафига қўшилди. Айни маҳалда бу ерда йигирув ишлаб чиқариш қувватларидан 89 фоиз, тўқимачилик қувватларидан 95,5 фоиз фойдаланилмоқда. Корхона маҳсулотига чет эллик фирмаларнинг талаби катта. Меҳнат жамоаси АҚШ, Туркия, Бельгия, Португалия, Покистон, Кипр, Сингапур каби 15 давлат билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ташқи иқтисодий алоқалардан мақсад унинг ишлаб чиқариш қувватларини 2—3 баравар ошириш, жаҳон стандарти даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Республика ҳукуматининг кўрсатаётган ёрдами туфайли бу вазифа муваффақият билан амалга ошириляпти.

Бошқа саноат корхоналарида ҳам ташқи иқтисодий алоқалар гуркираб ривож топяпти. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижроия қўмитаси бу алоқаларнинг истиқболли режаларини ишлаб чиққан. Кейинги икки йил ичида 5 та қўшма корхона вужудга келтирилди. «Бухоро-интуртож», «Гуфик-Абу Али ибн Сино» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхоналари, «Бухоро — Омега» Ўзбекистон—Греция, «Совизрапротеин» Ўзбекистон — Исроил корхоналари шулар жумласидандир. Яна бир қатор корхона ва муассасалар АҚШ, Туркия, Сингапур ва бошқа ривожланган мамлакатлар фирмалари билан халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича келгуси ҳамкорлик протоколларини имзолашди.

Туризм чет эллар билан иқтисодий алоқаларнинг сердаромад соҳасига айланяпти. Айниқса дунё маданиятининг қадимий ўчоқларидан бири бўлган Бухоро учун туризм валюта даромади олишнинг бой манбаидир. Туризм билан машғул ташкилотларимиз фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш буни яққол далиллаб турибди.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида «Бухоро — Интурист» уюшмаси 15 мингдан зиёд хорижий ва совет саёҳатчиларига хизмат кўрсатди. Олинган даромад ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 69 фоизга ошди. Корхонанинг самарадорлик даражаси 11 фоиздан 25 фоизга етди. Туризм билан машғул бошқа ташкилотлар ҳам бу алоқаларни катта манфаатдорлик асосида амалга оширишмоқда. Яқин келажакда Бухоро шаҳри меҳмонхона хўжалигини хорижий фирмалар ёрдамида анча кенгайтириш, авиатранспорт хизмати кўламини ошириш, шаҳардаги ободончилик ишларини кучайтириш туризм индустриясини тез ривожлантиришга моддий асос яратади.

Умуман ташқи иқтисодий ҳамкорликдан асосий мақсад халқ турмуш фаровонлигини ошириш, вилоят ҳудудидан иложи борича камроқ хом ашё чиқариб, кўпроқ тайёр маҳсулотни жаҳон бозорига сотишга эришишдир. Жаҳон стандарти даражасидаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташқи бозордаги ўткир рақобатда енгиб чиқиш учун эса биз ўз корхоналаримизни энг замонавий техника ва технология билан қуроллантириш, уларни ишлатишга қодир юқори малакали маҳаллий кадрлар тайёрлаш тадоригини кўряпмиз.

Шу билан бирга вилоятимиз бундан кейин ҳам қишлоқ хўжалиги, шу жумладан пахтачиликнинг асосий маконларидан бири бўлиб қолаверади. Кейинги йилларда маҳаллий селекционер олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган «Бухоро—6» нави иқлим шароитларимизга мослиги ва тез пишарлиги туфайли вилоят пахтакорлари ҳар йили белгиланганидан зиёд ҳосилни давлатга топширмоқдалар. Бу йил ҳам пахтакорларимиз йиллик режани жумҳуриятда биринчи бўлиб бажаришди. Давлат қабул пунктларига 500 минг тоннадан кўпроқ хом ашё топширилди. Дарвоқе, «Бухоро—6» навининг муаллифларини Беруний номидаги давлат мукофотига номзодликка кўрсатдик.

Ўзбекистон Президенти кейинги ойларда колхоз ва совхозларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича қабул қилган Фармонлар вилоят деҳқонларининг меҳнатдан манфаатдорлигини кескин оширди. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг айрим тўловлардан озод этилиши тўғрисидаги Фармон туфайли меҳнат жамоалари 33 миллион сўмлик қўшимча маблағга эга бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархининг ошиши туфайли эса уларнинг жамғармаларига яна 363 миллион сўм маблағ қўшилади. Бу маблағларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга сарфланади.

Шу йилнинг ўтган ойларида умумий узунлиги 63 километрли ичимлик суви, 285 километрли табиий газ тармоқлари ўтказилди. Қиймати 239,4 миллион сўм бўлган Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув қувури қурилиши якунловчи босқичга кирди. Янги йилгача навоийликлар унинг сувидан баҳраманд бўлишади. Келгусида эса Самарқанднинг зилол сувн Бухорогача етиб келади.

Вилоят қишлоқларини ободонлаштириш, турар-жой қурилиши бўйича ҳаракат дастурлари муваффақиятли тарзда амалга оширилянти. Келгусида бундай тадбирларга ажратиладиган маблағлар кескин ошиши кўзда тутилмоқда. Бу йил режадан ортиқча етиштирилган 50 минг тонна ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қолдирилган 5 фоизлик ҳосил учун вилоят деҳқонлари жаҳон бозоридаги ўртача нарх ҳисобида 35 миллион доллар фойда олишлари мумкин эканлиги ҳисоб-китоб қилинди. Ҳозир вилоят колхоз ва совхозларида 3 мингга яқин фермер хўжаликларида 16,5 минг бош қорамол, шу жумладан 7234 бош сигир парвариш қилинмоқда. Фермерларимиз ҳар гектар озуқа майдони ҳисобига 613 килограмм гўшт, 9567 килограмм сут ишлаб чиқармоқдалар. Ваҳолонки, жамоат ишлаб чиқаришида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 311 килограмм гўшт, 840 килограмм сутни ташкил қилянти. Демак, келгусида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда туб ўзгаришларни амалга ошириш пайти келяпти. Ички хўжалик ҳисоби ҳамма жойда кенг ёйилиши давр талабидир.

Вилоят қишлоқ хўжалигининг жумҳурият иқтисодиётини юксалтиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтирувчи яна бир муҳим омил — мева, сабзавот ва узумни қайта ишлаш саноатидир. Айни пайтда бу тармоқда 16,7 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқариш қувватларига эгамиз. 1995 йилгача белгиланган режага кўра бу қувватлар ҳар йили ўрта ҳисобда 5 миллион шартли банкага ошиб бораверади. Шунингдек, мева ва сабзавотни қишда сақлаш учун омборхоналар қурилиши ҳам кўзда тутилган. Биз биринчи навбатда вилоят аҳолисини етарли миқдорда сервитамин маҳсулотлар, кенг истеъмол буюмлари билан таъмин этишимиз керак. Бу иқтисодий мустақилликнинг муҳим шартларидан биридир.

Афсуски ҳозирча аҳвол бошқача бўляпти. Яқинда биз вилоятимиз халқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва унинг жумҳурият, шу жумладан вилоят меҳнаткашлари эҳтиёжини қондириш учун қолдириладиган қисмини таҳлил этдик. Аниқланган рақамлар ҳаммамизни ўйлантириб қўйди. Бухоро вилоятида етиштириладиган пахта толасининг атиги 18 фоизи, тайёр газламанинг 13 фоизи, ошланган қоракўл терининг 13 фоизи, тўқима буюмларнинг 15, пойабзалнинг 8, тикувчилик буюмларининг 7 фоизи маҳаллий эҳтиёжлар учун қолдирилянти, холос. Бундай маҳсулотларнинг деярли ярми эса республика ҳудудидан чиқариб юборилмоқда. Халқ манфаатлари тўғрисида қайғурилар экан, бу соҳада жиддий тузатишлар киритмоқ лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси омма ташаббуси ва ижодиётини, унинг барча намояндалари иродаси ва интилишларини мужассамлаштирган янги сиёсий ташкилотдир. Ҳозир вилоят меҳнаткашлари уни яқиндан қўллаб-қувватламоқдалар. Шу кунгача 30 мингдан кўпроқ бухоролик ўз тақдирларини партия тақдири билан боғлашга қарор қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидаги амалий ҳаракатлари билан меҳнаткашлар ўртасида обрў ишонч қозонади, албатта. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, кўп сонли фаолларимиз Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йўлидан дадил бориши учун турли миллат вакилларини, аҳолининг ҳамма табақаларини, барча жамоат ташкилотлари куч-ғайратини бирлаштиришга тайёрдир.

ВАҲИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

Кўзи тўқнинг—кўнгли тўқ

ҚАШҚАДАРЁДА АҲОЛИНИ УН БИЛАН ЕТАРЛИ МИҚДОРДА ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ КУРИЛЯПТИ

Дон — нон, ризқ-рўз, мўлкўлчилик рамзи. Уйингда ғалланг бўлса, кўнглинг хотиржам, кун бўйи дилинг равшан юрасан. Агар ун таъминотида узилиш бўлса-чи?!.

— Шуни ҳисобга олиб корхонамиз бир кеча-кундузда 500 тонна буғдойни қайта ишлаяпти, — деди 10-ун маҳсулотлари комбинати директори Мурод Ибодов. — Бу дегани 390—400 тонна ун. Йил бошидан ҳозиргача вилоятимиз аҳолисига юз минг тоннадан кўпроқ юқори навли ун етказиб бердик. Йил охиригача яна йигирма минг тоннадан зиёд ун ишлаб чиқаришимиз керак. Очиғини айтганда, ваҳимага ўрин йўқ. Қиш-қировли кунларда ҳам дўконларда ун бўлади, таъминотда узилишга йўл қўймаймиз.

Қарши ун комбинати белгиланган қувватда ишламоқда. Германия ускуналари билан барпо этилган Қарши шаҳридаги «Иссиқ нон» комплексини ҳам муттасил хом ашё билан таъминламоқда.

Мурод Ибодов ишчидан чиққан раҳбар. Комбинатда қарийб 20 йилдан бери ишлайди. Оддийлиги ва камтарлиги учун ҳам ёнида норлари кўп. Норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Анвар Мирзаев, Зоир Қўлтоев, Вали Қувватов бошлиқ бригадалар аъзолари ҳар ишда жонбозлик кўрсатишяпти. Смена нормасини бир ярим — икки ҳиссадан уддалашмоқда. Уларнинг ҳимматидан корхона вилоятда ун ва омухта ем ишлаб чиқаришда пешқадам.

— Келгуси йилдан бошлаб янги технология ишга туширилади, — дейди М. Ибодов. — Макарон уни ишлаб чиқаришга киришамиз. Кейинчалик макаронни ўзимизда тайёрлашни йўлга қўямиз. Бу тўғрида «Қаршиинторг» раҳбарлари билан келишиб қўйдик. Ускуналарни адбатта чет элдан оламиз. Ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтираверамиз. Ҳозирча хом ашёмиз етарли. АҚШ, Туркия, Венгрия, Канададан буғдой келяпти. Лекин барибир уларга кўз тутмасдан, ғалланы ўзимизда етиштирмоқ керак. Яқинда инженерларимиз Ёқуб Акбаров, Тўлқин Бозоров, лаборатория мудири Ғофур Умировлар ихтироси билан технологик жараён ўзгартирилиб, бемалол маҳаллий буғдойдан сифатли ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Директор ҳақ. Комбинатлар учун етарли хом ашёни вилоятнинг ўзида етиштирилгани ўн карра афзал. Бунинг учун ҳамма хўжаликларда дон етиштиришни йўлга қўйиш зарур. Ана шунда ун таъминотида узилиш бўлмайди.

Шу мулоҳаза сабаб бўлди-ю, вилоят хўжаликларида келгуси йил учун дон етиштириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан қизиқдик. Бу йил ана шу мақсад сари дадил қадам ташланди. Колхоз ва совхозларда юз минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди. Унинг бир қисми аҳолига берилди. Республика Президенти Фармонига биноан ҳар бир оилага 150—200 килограммдан дон улашилди. Шунинг эллик килограмми ғоморқаларга дон экиш учун берилди.

Энг муҳими, бу йил ғалла етиштиришни бир ярим — икки баравар кўпайтириш чоралари кўриляпти. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши хўжаликларга дон етиштиришни кескин кўпайтириш масъулиятини юклади. Ўнлаб колхозлар ва совхозлар суғориладиган майдонларда кузги барака уруғи қададилар. Қарши районидаги «Аврора» совхози 130 гектар ерга арпа, буғдой экди. Косон районидаги Ленин номли колхозда қисқа муддатда ғўзадан бўшаган олти юз гектар майдонга дон экиб бўлинди.

— Бу йил дон экиладиган майдонларимиз уч ярим баравар кенгайди, — дейди Косон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози раиси Исроил Шукуров. — 1230 тонна дон етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Бир қисмини аҳолига берсак, бир қисми омборда туради. Хўжаликда тегирмон ишлаб турибди. Элимизни нонга муҳтож қилмаймиз.

Ишнинг кўзини биладиган хўжаликларнинг омборида дони бор. Улар бунга қаноатланмасдан келгуси йил учун ҳам мустаҳкам замин яратишяпти. Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли, «Социализм», Қарши районидаги «Коммунизм» колхозлари, Карл Маркс номли, «Ленин йўли» совхозлари, Ульянов районидаги «Пахтакор», «Партия XXIV съезди», Баҳористон районидаги «ВЛКСМ XVII съезди», Нишон районидаги «Чарағил», Чўли Бегимқул номли совхозларда ҳам суғориладиган майдонларда кузги ғалла экиш ниҳоясига етай деб қолди.

Карл Маркс номли давлат хўжалиги Қамаши районидагина эмас, ҳатто жумҳуриятда таниқли, уруғлик дон етиштирувчи совхоз. Хўжалик ғаллакорлари колхоз ва совхозларни сифатли уруғлик ғалла билан таъминлашни янада яхшилаш учун белгиланган майдонларга кузги дон уруғини ташладилар. Униб чиққан экинзорларни ҳозирданоқ яшил майсалар қоплади.

Вилоятда келгуси йил учун 280 минг гектар ерда дон етиштирилади. Жумладан, унинг саксон минг гектарини суғориладиган майдон ташкил этади. Ҳозиргача олтмиш минг гектардан зиёд суғориладиган ерга кузги дон экилиб бўлинди. Келгуси йили ярим миллион тонна дон етиштириш мумкин. Бу билан Қашқадарё вилоятини дон билан таъминлаб-гина қолмай, ҳатто қўшнилар дастурхонига ҳам нон улашиш мумкин. Бунда, айниқса, қишлоқ жойларда дўконларда навбат кутишлар бўлмайди. Элнинг дастурхони тўкин, нони бутун бўлади. Одамларнинг кайфияти ҳам шунга боғлиқ.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Хван Ман Гим ҳаётидан лавҳалар

ЭЛДА АЗИЗ

Ўшанда 1982 йилнинг 17 октябри эди. Дам олиш куни бўлгани учун рўзномамиз ходимлари Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозига пахта йиғим-теримида қарашиш учун ҳашаргга чиқдилар. Мамлакатимизда, хатто чет элларда ҳам машҳур бўлган раис Хван Ман Гим бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Ҳаммамиз Тимофей Григорьевичга (Хван Ман Гимни шу ном билан ҳам аташади) қараб-қараб қўямиз. Қолоқ колхозни кўп тармоқли бақувват хўжаликка айлантирган, қишлоқларини обод, халқини фаровон этган тиниб-тинчимас, саҳоватли инсонга ҳавасимиз келади. Ҳа, ўша пайтларда ҳам Хван акага кўпчилик ҳозирдагидек чексиз муҳаббат қўйган эди.

Тақдир экан, Хван Ман Гим 1985 йилнинг декабридан 1989 йилнинг май ойигача ноҳақ қамоқхонада бўлди.

— Мени Москвада ҳибсга олишди, — дейди биз билан суҳбатда Тимофей Григорьевич. — «Олтин тўла чамадонсиз» албатта. Миш-мишларда айтилганидек, Корея элчихонасида ҳам эмас, «Россия» меҳмонхонасида... Рафиқам билан шу ерда истиқомат қилиб турган эдик. Иккимизда жами 700 сўм пул, спорт костюми ва яна М. С. Горбачев номига ёзилган ариза бор эди. Аризада менга нисбатан адолатсиз тергов бошлангани, йўқ ишлар тўнкалаётгани баён этилганди.

— Москвага жўнашимдан аввал Усмонхўжаев қабулида бўлгандим, — сўзида давом этди у. — Мен унга: «Шу масалани сиз ечолмаётган экансиз, юқорига шикоят қиламан», — дедим. У эса: «Марҳамат, бу сизнинг ҳуқуқингиз», — деди. Афтидан, у менинг яқинда ҳибсга олинишимни биларди. Ҳибсга олишгач мени Тошкентга тергов изоляторига олиб келишди. Сўроқлар бошланди. Бу пайтда мен Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эдим. Орадан 1 йилу 8 ой ўтгач, яъни 1987 йилнинг августидагина мени депутатликдан чақириб олишди...

Шу ўринда Хван аканинг таржимаи ҳолига бир назар ташлайлик. Улуғ Ватан уруши бошланган дастлабки кунларда у жангга жўнатишларини сўраб ҳарбий комиссариатга мурожаат этди.

— Қишлоқ мактабида ўқитувчилик қиласан, бу ҳозир жуда зарур, — дейишди унга.

Хван Ман Гим таклифни бажонидил қабул қилди. Урушдан кейин у «Ленинский путь» колхози бошқарувининг раиси, райкомда қишлоқ хўжалик бўлими мудири бўлиб ишлади. 1953 йилда «Политотдел» колхозига раисликка сайланди. Хван Ман Гим бу вазифада 32 йил хормай-толмай меҳнат қилди.

— Пахтани қўшиб ёзишлар бўйича 1985 йилги оммавий текширишлардан биз ҳам четда қолмадик, — дейди Хван. — Айбсизлар ва айбдорлар баб-баравар ана шу кучли бўронга дуч келдилар. Бизда қўшиб ёзишга ҳожат йўқ эди. Ҳамма ишлар рисоладагидек кетарди. Аммо бунга терговчиларни ишонтириб бўлмасди...

«Бугунги шодликда кечаги ғамдан гапирманглар» дейлади бир қўшиқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, учта Ленин ордени нишондори, Иттифоқ Давлат мукофотининг лауреати, қатор фахрий ёрлиқлар соҳиби Хван Ман Гим шу кунларда ўз қадрдонлари ва набиралари бағрида фаровон ҳаёт кечирмоқда. Уни севган эл «Политотдел» колхози фахрий раислигига сайлашган.

Бугун колхозда катта шодиёна. Меҳнат аҳли ўзларининг севимли раислари 70 ёшга кирган муборак кунини зўр тантана билан нишонлашади. Рўзномамиз жамоасининг кўп йиллик қадрдони бўлган бу ажойиб инсонни биз ҳам чин дилдан муборакбод этамиз.

У. ЮСУПОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда Ўзбекистон ихтирочилари ва рационализаторлари жамиятининг биринчи қурултойи бўлди. Мазкур жамият Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг ҳуқуқли вориси бўлди.

Қурултой қатнашчилари жумҳурият ихтирочилари ва рационализаторлари жуда катта ижодий самара билан иш олиб бораётганликларини таъкидладилар. Бироқ, ўзгарган шарт-шароитда эски тузилмалар шу куннинг талабига жавоб бермай қолди. Кейинги йилларда новаторлар ишида сусайиш рўй берганлиги тасодифий эмас.

Қурултой қабул қилган Ўзбекистон рационализаторлари ва ихтирочилари жамиятининг низомида жамият мустақил деб эълон қилинади. Жамият ташкилотлар, уюшмалар, иттифоқлар, марказлар ва бошқа ижодий тузилмаларни бирлаштириб, федератив негизда иш олиб боради. Низомда жамиятнинг ишлаб чиқариш, хўжалик, хайрия ва ташқи иқтисодий фаолияти кенг кўламли бўлиши назарда тутилган.

Қурултойда жамият бошқаруви сайланди.

Т. Алимов жамиятнинг раиси этиб сайланди. Съезд ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари **Р. Р. Ражабов** қатнашди.

(ЎзТАГ)

ТОЗА ҲАВО БЎЛСИН ДЕБ

● САМАРҚАНД давлат автомобиль назорати ходимлари вилоят назорати ходимлари орасида биринчи бўлиб, экология масалалари билан яқиндан шуғуллана бошлади. Бу ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш махсус бўлими тузилди.

— Автомобиллардан чиқаётган газлар ҳавони ифлос қиладди, — дейди шаҳар автомобиль назорати идорасининг бошлиғи милиция подполковниги Н. Ражабов. — Янги бўлимнинг вазифаси барча транспорт турларининг белгилаб қўйилган экология меъёрларига риоя этишларига эришишдан иборатдир.

Милиция ходимлари кунда текшириш ўтказишади. Экологик меъёрларини бузганлик учун олинган жарималар махсус ҳисоб дафтарчасига келиб тушади. Бу пуллар кўҳна шаҳар ҳавосини яхшилашга сарфланмоқда.

(ЎзТАГ).

• *Президент фармонлари — амалда*

ҲУСН

Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳри йилдан-йилга ободонлашиб ва кўркамлашиб бораётир. Буни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлар бўйича эришилаётган ютуқлардан ҳам кўриш мумкин. Ўтган 9 ой мобайнида шаҳар саноат корхоналари 93 миллион 34,3 минг ўрнига 99 миллион 217 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Истеъмолчиларга режадагидан 6 миллион 183,6 минг сўм кўп маҳсулот етказиб берилди.

— Янги сайланган шаҳар кенгаши иқтисодиётдаги таназзулни бартараф этишга, бозор муносабатларига ўтишга алоқадор бўлган муқаррар қийинчиликлар ва камчиликларни имкони борича камайтиришга интиляпти, — дейди шаҳар кенгаши раиси М. Қурбонов. — Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси беришга алоҳида эътибор қилиняпти.

Ўтган давр мобайнида шаҳарда 1250 хўжаликка ер участкаси берилди. Уруш қатнашчилари, ногиронлар ва фахрийлар, кам таъминланган оилалардан 247 кишига 33,4 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари шаҳар ижроия комитети қошидаги «Тижорат» маркази кам таъминланган 65 та одамга 200 сўмдан, жами 130 минг сўм ёрдам берди.

Шаҳардаги 11 кўча 4,8 километр масофада асфальтланди. Бундан ташқари Сулаймонбек қабристони қурилиши учун 20292 сўм сарфланди. Бу даврда шаҳарда 9,3 километрга газ қувури тортилди. Шунингдек, салкам 10 километр кўчага водопровод ўтказилди.

Шаҳар ижроия комитети Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Фармонларини бажаришга алоҳида эътибор беряпти. Фуқароларнинг тадбиркорлик, соҳибкорлик фаолиятини рўёбга чиқариш, эркин ташаббусни қўллашга интиляпти. Қисқа даврда шаҳарда 45 та турли хил кичик корхона ва 3 та хусусий савдо дўкони очилди. Булар томонидан 9 ой мобайнида 837,2 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди ва хизмат кўрсатилди. Шунингдек, шаҳарда Новосибирск «Полсиб» фирмасининг «Бобур», «Витязь» фирмасининг «Осиё», Ўш шаҳри «Аман» фирмасининг «Южний» филиаллари, «Конверсия» концерни «Тўрон» Ўзбекистон бўлимининг «Сайҳон» корхонаси, Совет Иттифоқи ва Буюк Британия қўшма «Интернэйшнл Каттон Продакшн Лимитед» корхонаси Ўзбекистондаги филиалининг хўжалик ҳисобидаги «Андижон» ишлаб чиқариш участкаси ташкил қилинди.

Бу кичик корхона ва ширкатлар ҳам шаҳар хайрия тадбирларига имкониятига яраша қатнашиб турибди. Жумладан «Зайли замон» кичик корхонаси шаҳардаги 65 та камбағал оилага бир қопдан ун ёрдам қилди. «Тулпор» кичик корхонаси эса шаҳар футбол командаси учун 15 минг сўм ўтказди.

Хайрли ишлардан яна бири шаҳар корхона ва ташкилотларининг марказлашган маблағлари ҳисобига 5 ўқувчи тиббиёт олийгоҳига қабул қилинди. Бу маблағ албатта келажакда шаҳар фуқаролари саломатлигини ўйлаб жамғарилган.

Шаҳарда янги автовокзал қурилиши бошлаб юборилди. Бунинг учун 80 минг сўмлик иш қилинди, 20 ўринли стоматология поликлиникаси қурилиши ҳам жадал олиб бориляпти.

Шаҳар аҳолисини оқар сувга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш учун К. Маркс кўчасидаги ариқ ишга туширилди. Шунингдек, Октябрь шаҳарчасидаги ариқ ва 1 Май кўчасидаги ариқлар қурилиши ҳам тугалланиш арафасида. Бу тадбирлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшяпти.

М. ПИРМАТОВ.

ЛЕНКОРАНЛИК АРТИСТЛАР БУХОРОДА

● Н. Везиров номли давлат драма театри биринчи марта қадимий Бухорога бир ҳафталик гастролга келган эди. Энди ана шу гастроллар ниҳоясига етди. Озарбайжон Республикасининг Ленкоран шаҳридан келган бир гуруҳ санъаткорлар вилоят марказида, Қоракўл, Свердлов районлари ва Когон шаҳри меҳнаткашлари олдида «Тўхтагин, азизим, ўйна, кул ва куйла» деб аталган концерт программасини намойиш қилдилар.

(ЎзТАГ).

ИШБИЛАРМОНЛИК ВА БОШҚАРУВ САНЪАТИ

У. Юсупов номли Халқобод агросаноат бирлашмасига қарашли музхонада бундан уч йил аввал оддий ва ночор жойни эслатарди. Ун йил ичида капитал ремонтга кўл урилмагани сабабли аппарат ва ускуналарнинг эллик фоизи ишдан чиққанди. Мева тайёрлаш ва сақлаш режалари 55—60 фоиздан юқорига кўтарилмасди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 120—130 сўмни ташкил қиларди.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Шу йили музхонани қабул қилиб олган Усмон Абдужабборов бу ерга нима учун юборилганини яхши идрок этарди. Бирлашма раҳбариятида бу корхонага кимни раҳбарликка қўйиш ҳақида анчадан буён гап бораётганидан ҳам воқиф эди. Унга шу вазифани таклиф қилишганида иккиланиб ўтирмади. Чунки у анчадан буён республика ҳукумати ишлаб чиққан янгича йўлга мустақил қадам қўйишга орзуманд эди. Яхши ният ёрти мол, деганларидек бундан уч йил аввал қилган орзулари айни пайтда рўёбга чиқа бошлади. Бундай ёруғ кунларга эришиш йўлида эса росмана тер тўкишга тўғри келди.

Ишни нолдан бошлаш қийин, лекин «Эскини ямаб эсинг кетади», деган гап ҳам бор. Дастлабки кунни жамоа аъзолари билан дилдан гаплашиб олишга бағишлади. Ҳар хил одам. Ҳар хил феъл-атвор. Ҳар каллада ҳар хаёл. Бири маошдан нолиди, бири раҳбарлардан, яна бири қийин аҳволдан чиқиб кетиш мумкинлиги тўғрисида дадил фикрини айтди. Абдужаббор худди ана шулар тўғрисида: Булар — менинг суянчиқларим, корхонага қанот бағишлайдиганлар, деб ўйлади ва улар билан бот-бот суҳбатлашиб турди. Шунда у қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп нарса билмаслигини тан олди. Р. Р. Шредер номли узумчилик, боғдорчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан мутахассис чақиртирди. Атрофига ишнинг кўзини биладиган, «яқиндаги ўпкадан кўра узоқдаги қуйруқни» кўзлайдиган — суяги меҳнатда қотган кишиларни йиға бошлади.

Тошкент вилоятида шундай корхоналар кўп қурилаётгани сабабли мева ресурслари етишмаётганди. Демак, бунинг учун 40—50 фоиз маҳсулотни четдан келтириш йўлларини ахтариш керак эди. Ишлар қизиб кетди. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ғайрат Исроилов бир гуруҳ мутахассислар билан маҳсулотни узоқ муддат ва сифатли сақлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди. Хуллас, «Қаловини топсанг қор ҳам ёнади», деганларидек, дастлабки йил натижалари ёмон бўлмади — 56 минг сўм соф даромад олинди. Гарчанд бу кўрсаткич денгиздан томчидай кўринса-да, аммо у жамо аҳлининг руҳини кўтарди, эртаги кунга ишонч уйғотди.

Худди шу пайтлар Иттифоқ ҳукумати ижарачилик ҳаракати тўғрисидаги Низомни эълон қилиб қолди. Айнан шундай янгича иш усулларигина мамлакатни иқтисодий инқироздан сақлаб қолиши мумкин эди. Шундай қилиб, корхона Иттифоқ музхоналари орасида биринчилар қатори ижара муносабатларига ўтиб ишлай бошлади. Музхона капитал ремонт қилинди. Жамоада давр тақозоси билан ҳуқуқшунос, иқтисодчи касбидаги кадрлар пайдо бўлди, ҳисобчиларга талаб оширилди.

Лекин... деҳқончиликнинг ҳар йил бир-икки «лекин»и бўлмай иложи йўқ. Кўклам дарахтлар айни гулга кирган пайтда ёққан қор совуғи мевага қирон келтирди. Лекин, маҳсулотнинг қўшни республика ва вилоятлардан олиб келинишига эришилди. Сифат ва тежамкорликка алоҳида эътибор қаратилгани туфайли шу йил ҳам 100 минг сўм соф фойда билан якунланди. Йил якуни жамоа аъзоларини икки томонлама синовдан ўтказди. Биринчидан, тадбиркорликка кенг ўрин берилган жойда оғир шароитда ҳам ер чизиб қолинмаслиги, иккинчидан, агар четдан келтирилган маҳсулотлар шу ернинг ўзида етиштирилган тақдирда иқтисодий фойда икки-уч бараварга ортиши мумкинлиги таҳлилдан ўтган эди.

БОРНИ УНДИРИБ, ИУҚНИ ИУНДИРИБ

Корхонада ишлашни ҳоҳловчилар сони тез орта борди. Қисқа вақт ичида юз нафардан зиёд ишчи, мутахассис жамоа аъзолигига қабул қилинди. Эндиги вазифа экиладиган майдонларга эга бўлиш, уларни кенгайтириб бориш ва шу тариқа сақланадиган маҳсулотларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришга эришишдан иборат эди. У. Абдужабборовнинг Қозоғистоннинг Келес районига ташрифи амалий натижа берди. 40 гектар ер олти йил муддатга ижарага олинди. Олиндию, сабзавот, полиз маҳсулотлари экилди. Турли мева ниҳоллари ўтқазилди. Ўтган йили шу ернинг ҳосилидан жамоа нақд 100 минг сўмдан зиёд даромад кўрди. Бу пуллар музхонани янада яхшироқ таъмирлаш ҳамда қайта ишлаш цехи қурилишини бошлашга сарф қилинди. Йиллик қуввати 3 миллион дона банка консерва ишлаб чиқаришга етадиган цех шу йилнинг охиригача фойдаланишга топширилади.

Аввал мазкур бино учун 700 минг сўмлик маблағ кетиши мўлжалланганди. Усмон Камоловичнинг бу хусусда ҳам мустақил фикри бор эди: экин майдонлари кенгайиб, ишчилар сафи ортиб борган сайин цех қуввати эҳтиёждан орқада қолиши мумкин. Яхшиси, ишни бошидан пухта қилиш керак. Яъни цех ёнида хом ашё ва тайёр маҳсулот сақланадиган қўшимча биноларни ҳам тиклаш лозим. Бу мақсад учун қўшимча қурилиш материаллари зарур бўлади. Уни бошқа республикалардан излаш керак. Шундан кейин шаҳарма-шаҳар кезиш, баҳслашишлар бошланди, ўзаро икки томонлама манфаатли шартномалар имзоланишига ҳаракат қилинди. Масалан, Камчаткадаги ҳарбий қисмлардан бири билан товар айирбошлаш (бартер усули) икки томонни ҳам қониқтирди. Бунда музхона ўз майдонида етиштирилган полиз ҳамда аҳолидан сотиб олинган сабзавот маҳсулотлари эвазига ҳарбий қисмдан тайёр қурилиш ускуна ва жиҳозларини олди. Красноярск ўлкаси ва Челябинск вилоятига юборилган мева-чевага 1,5 минг қубометр ёғоч-тахта, яшчиқларга ишлатиладиган материаллар айирбошланди. Четдан келтирилаётган моллар орасида цемент, пресслангган пол тахталари, қувур, металл бор. Йил охиригача яна 300 кубометр ёғоч-тахта, юз кубометр полбоп тахта, 30 тонна металл буюмлари келтирилиши керак. Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун эса автотранспорт базасига эга бўлиш талаб қилинарди. Шундай бўлди ҳам. Илгари биргина «Москвич» ва битта юк ташиш машинаси бўлган бу музхонада эндиликда КАМАЗ, ГАЗ, ЗИЛ маркали 22 та транспорт воситалари мавжуд.

— Қурилиш бригадасини ўзимизда ташкил қилсак-чи, маслаҳатлашди корхона раҳбари кўпчилик билан.

Яхши маслаҳатга ким қўшилмайди, дейсиз. Ишлаш истагини билдирганлар ҳам дарров топила қолди. Бригадага 18 киши аъзо бўлиб кирди.

— Энди қурувчилар ўзимизники, — яна маслаҳат солди У. Абдужабборов. — Улар кучидан самарали фойдаланиш учун қўшимча омборхоналар қурсак, дегандим. Ахир, биз мева-сабзавотнинг ўзинигина ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш билан чекланиб қолмасмиз. Айтайлик, четдан келтирилажак шакар, гуруч ёки бошқа қуруқ меваларни қаерда сақлаймиз? Менда бир фикр туғилди: ана шуларга мўлжалланган омборхоналарни ўз кучимиз билан пахсадан қурсак. У пишиқ ғишт ёки бетондан қурилган бинога нисбатан икки-икки ярим баравар арзон тушади...

Ҳаш-паш дегунча, бўйига 120 метрли омборхоналар тикланиб, усти ёпилди. Консерва цехи билан бир пайтда ишга тушадиган ушбу ёрдамчи хоналарда 500 тонна хом ашё ва бошқа маҳсулотларни сақлаш мумкин. Ҳозирданоқ бу ерда 300 тонна қовун-тарвуз, ошқовоқ, ерёнғоқ ва бошқа қуруқ мевалар сақланиши режалаштириб қўйилди. Директор яна бир нарса ҳақида бош қотираётган эди. Цех фақат мева консервалари ишлаб чиқармаслиги керак. У цехдан завод даражасига, кейинчалик, зарурат туғилса, ундан ҳам каттароқ корхонага айланиши керак. Шунда чиқитсиз технологияга ўтилади. Айтайлик, ҳўл мевани қуритадиган қўшимча бино қурилса-чи. Ахир, шу йил боғорда бирлашмадан 40 гектар ерни ижарага бекорга олмаганмиз-ку. Шу ерда етиштирилган маҳсулотдан яна қайси бирини қайта ишлаш мумкин? Узумдан — майиз, ўрикдан — туршак, олма, помидор, қовун, шафтолидан — қоқи қилинса-чи. Узумнинг уринганларидан вино тайёрласа бўлади. Корхонанинг тўла иқтисодий мустақилликка эришишини тезлаштириш учун бирлашмадан музхонани бутунлай сотиб олиш керак бўлади. Бунга ҳозир ҳам қурбимиз етади.

Орзу қилган етар муродга, деган нақл бекорга айтилмаган. Ахир, чин кўнгилдан йиғламасанг, кўздан ёш чиқармиди. Директорнинг эса кўнглида дардлари кўп: эртага бугунгидан яхшироқ, гўзалроқ яшаш, бунинг учун иш суръат ва сифатини ошириш керак. Унга эришишнинг бирдан-бир йўли ишчиларни унутмаслик. Улар оиласида нима гап — хабардор бўлиб туриш. Ахир бу дунёда яшашдан мақсад одамларга яхшилик қилиш, эзгулик уруғини сочиш, дардлини, қоқилганни суяшдан иборат эмасми? Ўйлаб кўрилса, айниқса, ҳозирги нарх-наволар кўтарилиб кетган пайтда ёрдамга муҳтож кишилар кўп. Сен уларни қўлласанг улар сени қўллашади.

ИШОНЧ — ЯРИМ МУВАФФАҚИЯТ

Шу йилнинг январидан дилидаги ана шу эзгу ният амалга оша бошлади. Моддий ва ижтимоий рағбатлантириш фонди ҳисобидан ишчиларнинг овқатланишга кетадиган харажатлари 50 фоиз камайди. Тушлик иссиқ овқат ўрта ҳисобда бир сўмданга тушмоқда. Асосан уч ой давом этадиган мавсумий юмушлар вақтида эса икки сменада ишловчилар учун овқат бепул берилади. Яна тўрт ойдан кейин бу тартиб йил бўйи амал қилади. Ташмачиликнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир ишловчига ойига 15 килограммдан текинга ҳўл мева бериш қонда қилиб қўйилди. Бошига яхши кун ёки кулфат тушган киши бир ойлик маоши миқдорида ёрдам олмоқда. Меҳнат таътилига чиқаётганларга ҳам шунча миқдорда пул тўланаётир ёки дам олиш уйлари, санаторийларга бепул йўлланма берилмоқда. Яқинда ўн киши Болтиқбўйи жумҳуриятларига шундай имтиёз билан саёҳатга бориб, қайтдилар.

— Шу йилнинг июлидан бошлаб компенсация пулига 40 сўмдан қўшиб берилмоқда, — дейди корхона ишчиси Толибжон Ваҳобов—Келаси йилдан бошлаб унинг миқдори 150—200 сўмга етказилмоқчи. Усмонжон бизга раҳбар бўлиб келганидан бўён ойлик маошимиз 2,5—3 бараварга ошди. Ўзингизга маълум, ишчи халқига қаерда маош, яхши шароит яратиб берилган бўлса, у шу ерда муқим ишлаб қолади. Ўғлим Абдумутал ҳам ёнимда ишлаяпти.

Кўпчилик ишчиларнинг фикри, нияти шундай. Модомики, шундай экан, ушбу фикрларни қуйидаги мисол билан далиллаш тўғри бўлар. Сизга маълум, қайси ўзбекнинг уйига борманг, ёруғ-ёзда қурилиш, таъмирлаш ишлари билан банд. Чунки унинг нияти қутлуғ, хайрли. Уй қурсам, тўй қилиб ўғил уйлантқраман, келин тушираман, деб атайлаб меҳнат таътилига чиқади. Бироқ бу йил шундай ният қилганларнинг аксарияти турли мушкулотларга дуч келдилар. Қўлида мисқоллаб йиғилган пул бор-у, материал анқонинг уруғи. Кооператив савдода унинг нархидан от ҳуркади. Биз ҳикоя қилаётган корхонада эса баҳоли қудрат бунга йўл топилди. Мева-сабзавот алмаштирилиши эвазига келтирилган ёғоч-тахта ҳар кубметри 165—185 сўмдан 100 дан ортиқ оилага сотилди.

Аввал борганимизда корхонанинг бирлашмадан ижарага олган боғи ва экинзорларини айланиб юриб, директордан« «Комбинат музхонаси», деган ном ўзгарадими? Ахир унинг ҳудуди, вазифалар кўлами жамоа ёки давлат хўжалигиникидан кам эмас-ку?» деб савол бергандик.

— Тўғри, — жавоб қилганди У. Абдужабборов. — Музхона тармоқли хўжаликка айланиб бораётгани ва тадбиркорлик ҳақидаги республика қонунига асосланиб, шу йил май ойида унинг номини «Соҳибкор» тадбиркорлик-саноат агрофирмаси, деб ўзгартирдик. Ана шу номни оқлаш учун эса ҳали талай иш қилишимиз керак. Ҳа, дарвоқе, «Совет—Австрия—Польша» қўшма корхонаси вакиллари корхонамиз билан қизиқиб қолишибди. Польшалик мутахассис ўтган сафар келганида шартномаларимиз шарти келишиб олинганди.

«Бундай ҳамкорликка қўл узатиб келган кишининг қўлини қайтармаслик керак. Шериклар қанча кўп бўлса, шунча яхши», деган маъноні уқиш мумкин эди унинг чеҳрасидан. Дарҳақиқат, тузилган шартномаларни кўздан кечирган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Масалан, Брестдан юз тонна тарвуз эвазига икки юз тонна картошка келтирилади. Тожикистон ва Қирғизистондан юзлаб тонна мева олиниб, ўрнига олма яшчиклари, сабзавот жўнатилади. Шундай қилиб, агрофирма жамоаси қишга жами 3 минг тонна маҳсулот сақлаш режасини амалга оширяётир. Вилоят партия, хўжалик фаоллари йиғилишларидан бирида озиқ-овқат маҳсулотларини қиш фаслига етарлича сақлаш қатъий қилиб қўйилганди. Эртасигаёқ жамоа аҳли ўз йиғилишида режадан ташқари яна 500 тонна маҳсулот билан қишни кутиб олишга қарор қилди.

Фаоллар кенгашидан сўнг директорни учратиб қолдик. Кайфияти зўр эди. Гап орасида ижарага ўтилганидан буён ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баравар, соф даромад тўрт, ишчилар ойлиги 13-маошни ҳам қўшиб ҳисоблаганда уч бараварга ортгани, бирлашма бош директори Ш. Ҳусанов билан келишиб, аҳолининг мушкулини осон қиладиган тегирмон, жувоз қурилиши мўлжаллангани, яна 100 гектар ер ижарага олинишини билиб олдик. Ижарага ўтишдан ният штатларни қисқартириш эмас, балки иш ҳажмларини кўпайтириш, маҳсулот самарадорлигини ошириш, бунинг учун эса қўшимча кучларни жалб қилишдан иборат эди. Демак, келгусида агрофирма жуда кўп соҳаларни қамраб олиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Олинадиган даромад анча кўпаяди. Демак, ишчиларда яхшироқ яшаш ва яхшироқ меҳнат қилиш туйғуси янада кучаяди. Усмон Камоловичнинг ҳам орзуси шу. Муродингга етавер, ўзбекнинг ишбилармон ўғлони!

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



● Сиз суратда кўриб турган бу йигит 11 йилдан бери Наманганда 10-қурилиш трестининг 5-бошқармасида баракали меҳнат қилиб, ҳамкасбларига намуна бўлиб келмоқда. Ана шу йиллар давомида Собитхон Жумабоев жуда кўплаб замонавий кўркам биноларга ғишт қўйди. У бошлиқ бригада жамоаси йиллик планни ҳам муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлди.

П. АКБАРОВ олган сурат.

САНЪАТКОР МИЛИЦИОНЕРЛАР

● Бувайда район ички ишлар бўлимида «Посбон» бадиий ҳаваскорлик дастаси тузилди. Бадиий жамоа ўзининг дастлабки катта концертини томошабинларга кўрсатди. Улар биринчи марта ўз ҳамкасблари — милиция ходимлари олдида маҳоратларини намойиш этишди.

Даста репертуари бой ва ранг-баранг — мумтоз қўшиқлар ҳам, замонавий асарлар ҳам бор. Ҳаваскор артистлар ижро этган «Ушшоқ», «Муножот», «Тановор», «Мустаҳзод» қўшиқлари томошабинларда зўр таассурот қолдирди.

Милиционерлар жамоат тартибини қўриқлабгина қолмай, айни вақтда яхшигина ашула айтишлари ҳам маълум бўлди. Дастанинг барча аъзолари район ички ишлар бўлимида ишлайди. Масалан, бадиий раҳбар Мўминжон Ўринов — ҳайдовчи милиционер, Холматжон Юсупов — санитар-милиционер, Мамадали Асқаров — участка назоратчиси, Эргашали Мирзаев жанговар тайёргарлик йўриқчиси, Алижон Сатторов жиноятларни фош этиш оператив гуруҳида ишлайди. Улар банд бўлишлари ҳамда иш кунлари тиғизлигига қарамай, ўз клубларида ашулалар ўрганиб, машқ қилишлари учун вақт топишмоқда.

Р. КАМОЛОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

«Ўзбекистон овози» материаллари изидан

«ЙЎЛОВЧИГА ҲУРМАТ ШУМИ?»

Рўзномамизнинг шу йил 4 сентябрь сонида эълон қилинган юқоридаги сарлавҳали мақолада Самарқанд шаҳридаги автостанциянинг атрофи ифлослиги, ахлатлар тўкиб ташланганлиги, дарахт экиб, кўкламзорлаштирилмаганлиги айтилганди. Шунингдек, автостанция яқинидаги чойхонада чойнак, пиёла етишмаслиги, боз устига борларининг синиқ ва учганлиги танқид қилинган эди.

Танқидий мақола текшириб ҳал қилиш учун ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИГА юборилди. У ердан қуйидагича жавоб келди:

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси мақолани диққат билан кўриб чиқди. Шуни маълум қиламизки, Ўрток И. Абдуллаев ёзган мақоладаги гаплар Самарқанд шаҳрига тегишли эмас.

Мақолани кўриб чиқиш ва керакли чоралар кўриш учун Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

Шаҳар ижрокоми раиси муовини

Б. ТОҒОЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Жавобни кўридигу ёқа ушладик. Во ажабо! Аввало «мақолани диққат билан кўриб чиққан» ҳар фаросатига қойил қолмай илож йўқ. Чунки мақола автори жавобда айтилганидек, И. Абдуллаев эмас, С. Олломов. Қолаверса Самарқанддаги автостанция атрофидаги ерлар санитария ҳолатининг ёмонлиги ва чойхонадаги тартибсизликка Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг нима алоқаси бор?

Шаҳар ижроқўмидагилар «Чолни кўриб бувам», дейишдан олдин ўз вазифаларини виждонан бажаришса, йўловчиларнинг ҳақли эътирозига йўлиқиб танқидга учрашмас эди. Боз устига рўзномани чалғитиб бетайин жавоб беришмасди. Ўйлаймизки, улар бундан тегишли хулоса чиқарадилар.

● Жиззахдаги пайпоқ тўқиш фабрикасида мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Бу ерда ишчиларнинг баракали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Жамоа бу ғамхўрликка жавобан самарали меҳнат қилмоқда. Бу йил 22 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилиб, савдо ташкилотларига жўнатилди.

СУРАТДА: жамоанинг илғор назоратчилари Зилола Очилова билан Гулнора Пиримқуловалар тайёрланган пайпоқларни саралашмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ИЛК ҚАДАМ

НАМАНГАН БИРЖАСИ ИШ БОШЛАДИ

Ўтган шанба куни «Наманган» моллар ва хом ашё кўп тармоқли биржасининг очилиш маросими ва биринчи савдоси бўлиб ўтди. Унга нафақат жумҳуриятимиз вилоятларидан, балки қўшни Қирғизистоннинг Ўш, собиқ Иттифоқнинг Москва, Хабаровск, Санкт-Петербург, Нижегород, Екатеринбург каби шаҳарларидан ҳам вакиллар ташриф буюрдилар. Наманганликлар меҳмонларни миллий анъанага кўра карнай-сурнай садолари, ёғоч ўйинлари, куй ва қўшиқлар билан кутиб олдилар.

Вилоят кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Б. Ҳакимов «Наманган» тижоратгоҳининг очилиш маросимига бағишлаб қисқача нутқ сўзлади. У «Наманган» моллар ва хом ашё кўп тармоқли биржасининг иш бошлаши вилоят ҳаётида муҳим воқеа эканлигини таъкидлади. Маълумки, Наманган азалдан савдо маркази бўлиб келган. Унинг табиати, жуғрофик ўрни ҳам шуни тақозо этади. Зеро, Буюк ипак йўли вилоят шаҳарларидан ўтгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Шаҳар Тўқимачилар маданият саройида биржанинг очилишига бағишланган тадбир ва унинг бўлажак фаолиятининг асосий қоидалари ҳақида қисқача тушунтиришдан сўнг тижоратгоҳнинг асосий иши — савдо бошланди. Унда дастлаб бошланғич баҳоси 200 минг сўмдан бўлган иккита даллоллик ўрни савдога қўйилди. Қизғин тортишув — ким ошди савдоси авж олиб кетди. Ниҳоят, биринчи даллоллик ўрнини қўшни Андижон вилоятининг Чинобод пахта тозалаш заводи 300 минг сўмга сотиб олди. Иккинчи даллоллик ўрнининг баҳоси эса 350 минг сўмга кўтарилди. У Фарғона вилоятининг Қува районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигига насиб этди. Шундан сўнг Наманганда «Тола» акционерлик жамиятининг қимматбаҳо савдо қоғозлари савдога қўйилди. 60 минг сўм ва ундан ҳам ортиқ қийматга эга бўлган ушбу қоғозларнинг бозори ҳам қизиди.

Тушга бориб қардош мустақил жумҳуриятларнинг 15 дан ортиқ шаҳарлари тижоратгоҳларидан олиб келинган маҳсулотлар савдоси бошланди. Умуман, шу куни маҳсулотларнинг 400 дан ортиқ тури савдога қўйилди. Уларнинг жами баҳоси 0,5 миллион сўмдан ортди. Савдога қўйилган маҳсулот турларининг кўплиги вилоят биржасининг дастлабки фаолиятига самарали таъсир кўрсатди ва «Наманган» тижоратгоҳи савдосида иштирок этган кишиларда катта таассурот қолдирди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ТИББИЙ МУАССАСАЛАРДА

ИШТИЁҚ БЎЛСА

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан юз-жағ ва тиш касалликлари бўлими ташкил этилди. Бу тиббий маскан Қибрай районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги марказий касалхона қошида иш бошлади.

Касалхона маъмурияти ва беморлар бу ерда кўрсатилаётган тиббий хизмат намунали олиб борилаётганини гапиришаркан, шифокор Бердиёр Жабборовнинг ташаббусини алоҳида таъкидлашади.

— Бўлимга республикамизнинг барча вилоятларидан беморларни қабул қиляпмиз, — дейди бўлим бошлиғи Б. Жабборов. — 40 ўринли шифохонамизда беморлар учун керакли зарур тиббий асбоб-ускуналар етарли. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлар, болали оналарга алоҳида тиббий хизмат кўрсатиш, улар учун махсус хоналар ажратишга эришяпмиз.

Бердиёр Жабборов Тошкент давлат тиббий илмгоҳини муваффақиятли тугаллаб, Афғонистон жумҳуриятига меҳнат йўлланмаси билан жўнади. Қобулдаги марказий касалхоналардан бирида уч йил шифокор бўлиб ишлади. Ҳозир у етакчилик қилаётган тиббиётчилар жамоаси ғайрат билан иш бошлади. Бу ерда врачлар малакасини ошириш илмгоҳига келган шифокорлар ҳам тажриба ўрганадилар. Илмгоҳ жарроҳлик кафедраси мудири, профессор И. Худоёров эса маслаҳатини аямайди.

Т. УНАБОЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг жамоатчи мухбири.

• 1991 ЙИЛ—АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ

ҲАЗРАТ МУҲАББАТИН ҚОЗОНГАН САНЪАТ

Тошкентда «Алишер Навоий ва мусиқа санъати» мавзуида Бутуниттифоқ илмий-назарий анжумани иш бошлади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси бошқарувининг котиби, таниқли санъаткор Рустам АБДУЛЛАЕВдан мазкур маданий тадбир репертуари, иштирокчилари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Ҳазрат Алишер Навоий йили дастурларига мувофиқ уюштирилган бу республикаларо илмий-назарий мусиқашунослик анжуманини, — дейди Р. Абдуллаев, — биз Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ва Ҳамза номидаги санъатшунослик институти билан ҳамкорликда ўтказяпмиз.

Маълумки, шеърият мулкининг султони, буюк давлат арбоби ва мутафаккир Мир Алишер Навоий мусиқа санъатига ҳам алоҳида муҳаббат билан қараган, уни инсониятнинг ҳамиша илҳомбахш ҳамнафаси, ҳамқадами, қолаверса, умрига файз бағишловчи қимматли бадиий маданият деб эътироф этган. Ҳазратнинг бевосита раҳбарлиги ва кўмагида мусиқа санъатининг улуғ алломалари, намояндалари ижод этганлар, эҳтиёждаги барча имкониятлардан баҳраманд бўлганлар. Ана шу раҳнамолик, жонкуярлик даврларида яратилган тароналар асрлар оша янграб келяпти.

Илмий-назарий мусиқашунослик анжумани иштирокчилари биринчи навбатда ана шу ижод дурдоналарига таянган ҳолда Алишер Навоийнинг мусиқапарварлиги, бу маданиятни ривожлантиришда қўллаган бетакрор тадбирлари ҳақида сўйлаб берадилар. Анжуман ишида Ўзбекистон олимларидан ташқари бошқа мустақил давлатлар, шунингдек, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларининг таниқли мусиқашунослари ҳам қатнашмоқдалар.

Ўйлаймизки, «Навоийнинг мусиқий олами», «Навоий ва уйғур мусиқаси», «Навоий туркман мусиқасида», «Ҳамса» — мусиқа манбан», «Навоий даврининг мусиқий фикрлаш классик анъаналари ва унинг манбалари» каби оригинал мавзуларда бўладиган маърузалар кўпчиликни қизиқтиради.

Дастурга мувофиқ, Алишер Навоий ғазалларига басталанган куй ва қўшиқлардан иборат тўртта концерт намойиш этилади. Уларда Иттифоқ халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муножот Йўлчиева, шунингдек, мақом ижрочилари танлов-кўригининг бир қатор иқтидорли ёш ғолибларн иштирок этишади. Ўзбекистон халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги оркестр композиторларимизнинг симфоник ва вокал-симфоник асарлари концертини намойиш қилади.

Бутуниттифоқ илмий-назарий мусиқашунослик анжуманининг якунловчи кунида, яъни 29 ноябрда бадиий маданиятимиз равнақига катта ҳисса қўшган унутилмас санъаткор Сулаймон Юдаковнинг 75 йиллиги нишонланади.

Ишончимиз комилки, «Алишер Навоий ва мусиқа санъати» мавзуида ўтказилаётган анжуман бадиий маданиятимизнинг бугунги равнақини кўрсатиш билан бирга ҳамкасбларимиз билан бўлган дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

ДАВРИМИЗ ҲОТАМТОЙЛАРИ



● Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси, II гуруҳ ногирони Муҳаммадражаб ва Қурбон Сафаровларнинг «оиласи»ни Шофиркон районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида билмайдиган киши йўқ. Уларнинг 282 нафар фарзанди бор, десак ажабланманг. Жамоа хўжалигидаги 45-ўрта мактабнинг ўқувчилари уларнинг фарзандларидир. Чунки мана шу икки инсон ўз пуллари ҳисобидан хўжалик усулида мактаб қуриб бердилар. Муҳаммадражаб ва Қурбон Сафаровлар 47 йилдан бери аҳил, иноқ яшаб келадилар. Утган йиллар мобайнида Муҳаммадражаб ота асаларичилик билан шуғулланиб келди. Шундан тўплаган пули эвазига мактаб қуриб берди.

СУРАТЛАРДА: саҳий қалб эгаси Муҳаммадражаб ота мактаб ўқувчилари даврасида; мана бу ўқувчи болаларнинг ҳаммаси бу икки табаррук инсонни доимо ардоқлашади.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

СПОРТ

БУШ КЕЛИШМАДИ

● КУРАШНИНГ шарқона турларидан ҳисобланган таэквондога қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ёшлар каратэдан кейин спортнинг мазкур турини ёқтириб қолишди. Таэквандочиларимиз мамлакат ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қилишмоқда. Яқинда Олмониянинг Кёльн шаҳрида ўтказилган халқаро беллашувларда совринли ўринларни эгаллашга зўр берилди. Ўзбекистон курашчиларидан Александр Тен, Рустам Тухватуллин ва Улуғбек Хошимовлар мусобақадан кумуш медаль билан қайтишди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР

● МАЪЛУМКИ чарм қўлқоп усталарининг жаҳон чемпионлиги учун курашини миллионлаб мухлислар диққат билан кузатишади. Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган мусобақа ҳам кўпчиликнинг эътиборида бўлди. Сирасини айтганда, ишқибозлар бу мусобақага катта умид боғлашганди. Лекин 12 нафар боксчимиздан бешовлони саралаш ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, ҳал қилувчи учрашувга йўлланма олишди. Зеро, финал баҳслари ҳамиша қизғин ва муросасиз бўлади. Шунинг учун ҳам спортчиларимиздан биргина Константин Дзю 63,5 килограмм вазнли боксчилар билан баҳсда ғалаба қозониб, олтин медалли бўлди. А. Григорян, И. Акопкохян, А. Лебзяк ва А. Курнявколар чемпионатнинг кумуш медали билан қаноатланишди. В. Антонов билан Е. Белоусовларга бронза медаллари насиб этди.

ЧОРАК ФИНАЛДА

● СССР КУБОГИ учун футбол бўйича нимчорак финал учрашувлари давом этмоқда. Куни кеча пойтахт спартакчилари Ашхободнинг «Копетдоғ» жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келишди. Биринчи ўйинда ҳисоб очилмагандиқ Шундай қилиб спартакчилар чорак финал учрашувларига йўлланма олишди. Кеча Минск ва Киев динамочилари, пойтахт армиячилари ва пахтакорчилар, «Шахтёр» ва «Черноморец», «Днепр» ва «Металлист» футболчилари ўзаро учрашдилар.

КАСБИ—ҚАДИМИЙ ШАҲАР

Мерос

Касби — Қашқадарё вилоятининг кун ботарида жойлашган қадимий манзил. Ўша тасарруфдаги беклик Касби номи билан юритилган эди. Манбаларда зикр этилишича, машҳур Ипак йўли ҳам шу ердан ўтган. У Бухоро — Насаф савдо йўлининг асосий гузаридан бири бўлиб хизмат қилган.

Аслида кўҳна Касби шаҳрининг тузилиши уч қисмдан иборат — улар Кухандиз, Шаҳристон ва Работ деб аталган. Ҳозирги кунда эса атрофини қабрлар ўраб турган тепалик шаҳарнинг қалъаси ҳисобланган. Ҳозир у қадимий шаҳарнинг харобаси деса бўлади.

Касби милоддан илгариги биринчи асрда ёки миллоднинг дастлабки кезларида бунёд этилган, деган фикрлар бор. Заволи эса «Ўзбек совет қомуси»да ёзилишича, мўғуллар ҳужумидан кейинги даврга бориб тақалади.

Қадимги араб минтақашунослари Истаҳрий, Муқаддасий, Ибн Ҳавқал, Ёқутларнинг кузатувларида Касби обод манзил сифатида алоҳида эслаб ўтилади. Бинобарин, XVII асрда яшаган балхлик минтақашунос олим Маҳмуд ибн Вали ўзининг «Баҳр ул асрор», яъни, «Сирлар уммони» номли жуғрофий асарида ҳам Касби хусусида шундай таъриф келтиради: «Абдуллахон Шайбоний ҳукмронлиги даврида (XVI аср) унинг тасарруфида қишлоқ ва овуллар кўп бўлган. Шулар жумласидан бўлган Касби мисоли жаннат боғини эслатарди. Ўша ерда Мирҳайдарий номи билан аталгувчи саййидлар хонадони яшаган...».

Шарқшунос олим В. В. Бартольд «Мўғуллар даврида Туркистон» асарида тайинли манбаларга таяниб, Касби ўз даврида, жойлашган музофотининг атанган манзили жиҳатидан Насафдан катта бўлган, деган эътирофни келтиради. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Абдуллахон Шайбоний 1552 йилнинг кўкламида Хуросон томон юришни ният қилади. Натижа чиқмагач, Худойберди Султондан тортиб олиш мақсадида Қарши қалъаси сари йўл солади. У Қарши қалъаси қаторида Касбини ҳам эгаллайди. Шундай қилиб, Касби манзилидаги қурилиш ишларининг кейинги ривожланиши Абдуллахон Шайбоний номи билан боғлиқ.

Касбидаги энг йирик обидаларидан бири XI—XVI асрларда қурилган Султон Мирҳайдар ёдгорлиги ансамблидир. Олимлар Р. Абдурасулов ва Л. Ремпеллар фикрига кўра, Султон Мирҳайдар ансамблида уч давр нишонаси мавжуд, Мақбарада — XIV аср, сағана ва мармар тошларда — XV аср, масжидда —XVI аср белгиларини «сезиш» мумкин. Қишки масжид Султон Мирҳайдар ёдгорликлари ансамблида шаҳарнинг жума масжиди сифатида фойдаланилган экан.

Шаҳристондан чап томонда яна бир обида — Номозгоҳ масжиди қурилган. Санъатшунослик фанлари доктори Л. Ю. Маньковскаянинг фикрича, унинг бунёд этилганига 380 йиллар бўлган. Масжид тўғри бурчак шаклида беш гумбазли, бир-бирига ўтадиган хоналардан иборат кошона бўлган. Гумбазлар олди кенг ва катта саҳнли бўлиб, унда Рамазон, Қурбон ҳайитларида намоз ўқилган. Унинг ҳовлиси, ташқарисидаги савдо расталари одамлар билан ҳамиша гавжум бўлган.

Султон Мирҳайдар ансамблининг шимоли-шарқида ёпиқ сардоба бўлиб, у пишиқ ғиштдан, цилиндр шаклида тикланган. Сардобанинг ташқи доираси 18,3 метр, ички қисми эса 16 метрдан иборат. Нақл этишларича, сардоба Абдуллахон Шайбоний даврида бунёд топган. Лекин тепалик — қўрғоннинг жанубида жойлашган очиқ сардобанинг қачон қурилгани номаълум. Ундан ҳовуз таҳлит нишоналар қолган, холос.

Касби ва унинг тарихи, обидаларининг «таржимаи ҳол»лари асосан йўл-йўлакай қайдлардан иборат. Ваҳолонки, бу жиддий археология тадқиқотларига муҳим манба бўла олади. Ҳалигача Касбида бу борада қазиш ва уни илмий ўрганиш ишлари ташкил этилмаган. Бу — археолог олимларимизнинг саъи-ҳаракатларига, қурби-қувватларига, эътиборларига ҳавола. Негаки, Султон Мирҳайдар ансамблини 1989 йилдан буён таъмирлаш ишларига бош қўшган қурилиш бошлиғи Олимжон Шарипов бир гал суҳбатимизда куйиниб гапириб қолди:

— «Масжид ва миноралар уч метр қалинликда кўмилиб кетган экан. Таъмирлаш пайтида уни очишга тўғри келяпти. Кавлаётган маҳалимизда ўтмишдан ҳикоя қилувчи баъзи бир буюмлар топиляпти. Чиққан нарсаларни асраб қўйишга ҳаракат қиляпмиз-у, лекин қазиш ишларини олиб борувчи мутахассислар йўқлиги боис трактор билан суриб текисланаётган чоғда айрим қимматбаҳо нарсаларни ўз ҳолича сақлаб қолиш имконидан маҳрум бўляпмиз. Айни пайтда бу ерда археологик экспедиция ҳам биргаликда иш олиб борганда эди, Касбининг кемтик тарихи бутланармиди?!».

Қани энди, шундай бўлса?!

Касбида йигирманчи йиллар охирида қишлоқ Кенгаши ҳамда артеллар ташкил топган. Улуғ Ватан урушигача бу ерда «Большевик», «Қизил Октябрь», Сталин номи билан аталган учта катта хўжалик мавжуд эди. Урушдан кейин улар бирлаштирилиб, Ворошилов номли жамоа хўжалигига айлантирилди. Эллигинчи йилларнинг ўрталарига қадар Касбида темирчилик, мисгарлик, кулолчилик, қандолатчилик ҳунархоналари бўлиб, уларда йигирмадан ортиқ буюм ва маҳсулотлар тайёрланган.

Касби бозорига атроф қишлоқлардан ва узоқ-яқинлардан одамлар, табиийки, уловларда келишган. Шунинг учун ҳам улар учун 10 та сарой, қўнишлари учун иккита манзил хизмат қилган. Касби бозоридан ўрта ҳисобда ўн-ўн беш минтга яқин одам харид қиларди.

Касбидаги мева, атторлик, қалпоқ, сўзана, косиблик, гилам, ёғ, ғалла, этикдўзлик, каштачилик, юнг, мол, сут-қатиқ бозорлари ва бошқа савдо расталарининг доврўғи кенг таралган эди. Касби манзилгоҳи Бухоро, Қарши, Женов, Помиқ, Чандиқ, Жиззах, Хўжаҳайрон, Маймоноқ, Комилон, Қамаши, Миришкор, Муғлон, Денов, Фазли, Чавқай, Талишбе йўлларини бирлаштирган ҳалқа эди.

Касбидан қуйироққа силжиш жараёни 1932 йилларда бошланган. Сабаби манзилгоҳ жойлашган ер баландлик бўлганлиги учун унинг устки қисмини шўр босди, уйлар шўралади. Ўша пайтда эски уйлар ўрнига пойдеворли уйлар кўтариш имкони камлиги сабабли одамлар оқар сувлик, ери тоза жойларга кўчиб чиқишга мажбур бўлишган эди.

1935 йилнинг 9 февралида Косон район партия қўмитаси ва район ижроия қўмитаси раёсатининг қўшма мажлиси «Косон районига қарашли қишлоқ Кенгашларини янгидан ташкил этилган районга бериш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Шу масала бўйича ўша пайтда қарор қабул қилиниб, янги ташкил этилаётган районга Касби, Женов, Чандир, Хўжаҳайрон, Помуқ қишлоқ Кенгашлари берилди. Янги ташкил этилган районнинг маркази қилиб Касби қишлоғи тасдиқланди. (Қашқадарё вилоят партия архиви, 2 фонд, 1 рўйҳат, 71 иш, 3-варақ). Лекин нима сабабдан Касби районининг тузилмасдан қолганлигини биз ҳозир шарҳлашдан йироқмиз. Балки, кейинчалик бу тадбир лозим топилмагандир. Аммо, 1935 йилдан сўнг урушгача бўлган даврларда, Бешкент районининг номи архив ҳужжаталарида Касби райони деб юргизилган, районнинг маркази Бешкент бўлган.

Касби манзилгоҳига эътиборсизлик, асосан, 1957 йил августида жамоа хўжаликлари тугатилиб давлат хўжалигига айлантирилганидан кейин яна ҳам кучайди. Мўғлон қишлоғидаги МТС базасида ташкил топган совхозга Касби, Муғлон, Миришкор, Хўжаҳайрон, Денов қишлоқларидаги колхозларнинг мулки олиб берилди.

Машҳур Касби бозори ҳам совхоз марказига кўчирилди, фойдаланиб келинган жамоат бинолари қаровсиз қолганлиги учун бузиб ташланди. Шу тариқа Касби харобазорга, қаровсиз ва ташландиқ жойга айлана бошлади. Муқаддас обидалар ҳувиллаб қолди. Улардан тириклар ҳам узоқлашди...

Аслини олганда Касби ўша атрофда жойлашган ўн еттита қишлоқ одамлари ўтмишининг гувоҳидир. Бинобарин, у шу қишлоқларда яшаб, фоний дунёдан боқий дунёга кетганларнинг муқаддас жойидир. Мазкур қишлоқларнинг одамлари Касби тимсолида оламдан ўтган ота-боболарининг қўриқчисини, узоқ ўтмишларининг шоҳидини, қадимий одатларининг, расм-русумларининг, маданиятларининг шаклини кўришлари лозим эди-ку.

Кўриниб турибдики, Касбининг тарихи қарийб икки минг йиллик воқеалардан далолат беради. Шаҳарлар ҳамиша бир маҳалла ёки бир уруғнинг мулки, ўтмиши ва келажаги бўлмасдан, балки кўпчиликнинг мулки, халқнинг ўтмиши, унинг тарихидир. Касбини улуғ ва қадрли қилганлар шу районда яшаётган ҳозирги барча авлодларнинг отаболари эдилар.

1970 йили қуйи Бешкент хўжаликлари негизида янги район ташкил топди. Унга Ульянов номи берилди. Район маркази этиб Муғлон қишлоғи тасдиқланди. Посёлка ҳам Ульяновск деб ўзгартирилди. Негадир, Касби ўша давр раҳбарларининг хаёлига ҳам келмади. Чунки, у маҳалларда тарихий қадриятлар оёқ ости қилинган эди. Ёлғон эътиқодлар, бўяма ғоялар устун эди. Ҳеч бўлмаса энди Касби ўз тарихига яраша қадр топмоғи, меҳр кўрмоғи лозим. Озгина фикр қилиб, гапнинг индоллосини айтадиган бўлсак, район ўзининг асл тарихий номини олиши керак.

Гап бу ерда, биргина районнинг номини ўзгартириш хусусидагина эмас, балки шу сабаб ўзликни англаш, эл қадрини ҳис этиш борасида кетяпти, ахир. Қадр ҳам, ғурур ҳам, истиқлол ҳам эл ўз Ватанини таниши, тарихини билиши билан боғлиқ. Шу жиҳатдан манзилларнинг ҳақиқий тарихини тиклаш зарурий, мантиқий эҳтиёждир.

Сопол синиқлари — чилпарчин қадр,
Шўр бойлаган тепа — ўтмишнинг расми.
Бунда ўппон тортиб, чўккан ҳар қабр — Вақтнинг чопқилари қадалган Касби.

Обод ЖУРАҚУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Икром ОТАМУРОД,
шоир.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

UZMEDIMPEX

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва хорижий алоқалар Давлат қўмитаси қошидаги "УЗМЕДИМПЭКС"ташқи савдо бирлашмаси

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Тиббиёт билан боғлиқ бўлган моллар, ускунаю жихозларни сотиш ва сотиб олиш буйича, дори - дармонлар етказиб бериш, уларни ишлаб чиқарувчи корхона ва соғликни сақлаш иншоотларни чет эл фирмаларининг бевосита ёрдамида қуриш буйича тўла - тўкис хизмат мажмуаси;

Ўзаро хисоб - китоб қилиш эркин қўлланадиган валютада ёки бартер олди - бердиси йули билан, шу жумладан ахолини халқ истемоли моллари хамда ёш болалар озуқаси билан таъминлаш асосида амалга оширилади.

"УЗМЕДИМПЭКС" ташқи савдо бирлашмаси билан инвалютага хамда жахон бозорида ташкил бўлган махсулотга эга корхоналар ва ташкилотлар ўртасида амалий алоқалар ўрнатишга хисса қўшиш истагида бўлган кишилар ва юридик шахсларга амалга оширилган келишув микторига муво-фик мукофот пули белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА ЎЗ АМАЛИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ СИНАБ КУРИНГ.

Бизнинг манзилгох: 700077 Тошкент ш.,Луначарский шоссеси, 75
Телекс: 116122 АТЛАС, Телефакс: 346001, 687477
Богланиш учун телефонлар: 687543, 687544

Ўзбекистон қурилиш вазирлиги
МАРКАЗИЙ ЎҚУВ КОМБИНАТИ
инглиз тили курсларига
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КУРСЛАР 3 БОСҚИЧДА ЎТКАЗИЛАДИ:
1-босқич — ўқиш ва сўзлашув нутқи асослари
2-босқич — сўзлашув нутқи амалиёти ва ёзувининг кенгайтирилган курси
3-босқич — касбкорликка ихтисослашган инглиз тили.
ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ:
1-босқич — 2 ой ҳафтасига 3 мартадан.
2-босқич — 3 ой ҳафтасига 2 мартадан.
3-босқич — 2,5 ой ҳафтасига 2 мартадан.
ЎҚИШ ҲАҚИ:
1-босқич — 250 сўм.
2-босқич — 300 сўм.
3-босқич — 250 сўм.
Ўқишнинг ҳар бир босқичи учун ҳақ алоҳида-алоҳида тўланади.
Ўқув жараёнида энг янги ўқув қўлланмалари, видео ва аудио қуроллардан, компьютер техникасидан фойдаланилади.
Ҳар ойнинг 8, 14, 18 ва 25-кунлари соат 17.00 да назорат суҳбатлашуви ўтказилади.
Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри А. Қаҳҳор кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 55-36-11, 54-94-87, 54-92-16.
2, 57, 80, 97-автобусларнинг «А. Қаҳҳор кўчаси» бекати.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ
БУШ ЛАВОЗИМЛАРГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
катта илмий ходимлар: жарроҳлик гематологияси бўлинмаси ва посттрансфузион гепатит ва СПИД касалликларининг клиник иммунологияси ва уларнинг олдини олиш лабораторияси;
кичик илмий ходимлар; жарроҳлик гематологияси, радионуклид ташхис гуруҳи билан терапевтик гематология бўлинмалари ва донорлик ҳамда қонни экстракорпорал тозалашни ўрганиш лабораторияси.
Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700097, Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 5 «Б» мавзеси, Халқлар дўстлиги кўчаси, 42-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ
ЎРТА ОСИЕ ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ
1992 йил учун
Қуйидаги ихтисослар бўйича
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
ЭНТОМОЛОГИЯ, ЎСИМЛИКЛАРНИ КАСАЛЛИКЛАР ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ.
ҲУЖЖАТЛАР 1991 ЙИЛ 20 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1992 ЙИЛ 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.
Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (сурати билан), таржиман ҳол, ижтимоий-ишлаб чиқариш тавсифномаси, олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги диплом ва баҳолар қайдномасидан олинган кўчирманинг нотариус тасдиқлаган нусхалари, соғлиги тўғрисида 286-шаклдаги тиббий маълумотнома, танланган мутахассислиги бўйича илмий асарлар рўйхати ёки ёзма маъруза, иш ҳақи тўғрисида маълумотнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма. Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700140, Тошкент шаҳри, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши жамоаси жумҳурият Фанлар академиясининг вице-президенти, академик И. И. Искандаровга отаси

Искандар МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё иссиқлик монтаж трести ижара корхонаси ҳисоб бўлимининг ёрдамчи-ревизори Э. Ғаппорхўжаевга отаси

Абдуғаппорхўжа АБДУЖАББОРХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-86-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.

№ 229.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди—20.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.